

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ШОИСТА НОРБОВАЕВНА

ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Psychological sciences**

Муратова Шоиста Норбоваевна

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик
жиҳатлари..... **3**

Муратова Шоиста Норбоваевна

Социально-психологические аспекты подготовки мальчиков к семейной
жизни..... **30**

Muratova Shoista Norbovaevna

Socio-psychological aspects of preparing young men for family
life..... **59**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works **65**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ШОИСТА НОРБОВАЕВНА

ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2020.1.PhD/Psi 161 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ndpi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Василя Маманасириевна
психология фанлари доктори, профессор

Соғинов Нурмат Абдусаматович
психология фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс (99871) 276-76-51; e-mail:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли рестер баённомаси)

Ф.А. Акрамова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д, доцент.

Н.Б. Атабаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

З.Т.Нишанова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д, профессор.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интеграция жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеи, таркиби, тузилиши, функцияси, вазифалари ва фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ёшларнинг ўз оилавий ҳаётларига оид тасаввурлари муҳим бўлиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади¹. Бутун дунёда оила институти, оилавий муносабатлар, оила қуриш ва ажримлар масаласи турли мамлакатларда турлича манзарада намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда оилавий муносабатлар ва никоҳдан қониққанлик сифатининг ёмонлашуви натижасида кўплаб ривожланган давлатларда оила ва оилавий муносабатларга, оила анъаналарига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ёндашув кескин ўзгараётганлиги боис, оила манфаатлари кафолатларини таъминлашнинг янги мазмундаги институционал асосларини такомиллаштириш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот марказларида оила-никоҳ анъаналари, оилақадриятлари ёшларни оилавий ҳаётга маънавий-маърифий, ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш, оилани мустаҳкамловчи омилларни психологик диагностикаси орқали зарур тақлиф ва тавсияларни яратиш билан боғлиқ муаммолар илмий тадқиқ этиб борилмоқда. Бу борада ёшларни, хусусан, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-маданий, ҳудудий, ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, асосида психологик тавсифномасини ишлаб чиқиш, қуриладиган оилаларнинг мустаҳкам ва бахтли бўлишини таъминлашда ёшларда оилага нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш ҳамда оилани миллат ва давлат келажаги учун зарур қадрият сифатида сақлаб қолиш учун дахлдорлик ҳиссини таркиб топтириш, ёшларни оила манфаатларини ҳимоя қилишга адекват ёндашадиган шахс этиб тайёрлаб бориш зарурати масалалари долзарблигача қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «...Турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни энгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажрашишлар кўпайиб бормоқда. ...Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур...»² – қайд этилиши долзарб бўлиши билан бирга тадқиқот мавзусини илмий ўрганишга мустаҳкам асос яратилганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ <https://cyberleninka.ru>

² Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 март куни ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. www.uza.uz. 09.03.2018 й.

стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ёшларни, хусусан, ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг айрим жиҳатларини психолог олимлардан Ф.А.Акрамова, Р.Абдуллаева, Ҳ.Абдусаматов, Р.Душанов, В.М.Каримова, Х.К.Каримов, Н.Х.Лутфуллаева, Г.Ниязметова, З.А.Расулова, Ф.Рўзикулов, У.С.Сарибаева, Н.А.Соғинов, Р.С.Самаров, Б.М.Умаров, М.Утепбергенов, М.Файзиева, Ғ.Б.Шоумаров, Г.Х.Юнусова, У.Д.Қодиров ва бошқалар илмий тадқиқ этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари психолог, социолог олимларидан А.Н.Антонов, Т.В.Андреева, С.И.Голод, С.Ковалёв, К.Миханович, Н.В.Малярова, Н.Н. Обозев, В.Н.Уколова, В.В.Солодников, В.Е.Семёнов, Л.В.Толстова, Э.Г.Тийд, А.Г.Харчев ва бошқаларнинг илмий ишларида никоҳ қуриш сабаблари ва мотивлари, оила ва оилавий муносабатлар психологияси, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларига оид муаммолар илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан L.Bumpass, R.C.Bean, E.T.Burgess, D.E.Delis M.Kampbell, G.E.Krayg, J.Kvet, S.D.Kratoxvil, J.Lofas, T.C.Martin M.Odema, T.Parsons K.M.Shafer, L.B.Shneyder, G.Roland, C.Rogers, M.M.Sve-yeney, L.G.Terman, P.D.Vollin ва бошқалар оила ва оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларини илмий тадқиқ этишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги: Мазкур диссертация иши Самарқанд давлат университетининг мўлжалланган илмий тадқиқот ишлар режасининг «SPs-01. XXI аср психологиясида шахс интеллектуал тараққиётининг психологик механизмлари» устувор режасига мувофиқ бажарилган (2021-2025 йй.).

Тадқиқот мақсади ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ижтимоий-психологик муносабатини, бахтли оилавий ҳаётга

психологик, жисмоний, тиббий ва гендер ва этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тренинг машғулотлари, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосини долзарб психологик муаммо сифатида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаш ҳамда амалиётдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш,

Ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги қадриятларини шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик хусусиятларни эмпирик тадқиқ этиш оилавий ҳаётга тайёрлаш ва мустақкам оилавий муносабатлар таъсирини ва ўрганиш;

Ўғил болаларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларининг оилавий ҳаётга тайёрлашга таъсирини ўрганиш ва психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга нисбатан ижтимоий-психологик муносабатини, психологик, жисмоний, тиббий ва гендер ва этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш бўйича ижтимоий-психологик тренинг машғулотлари самарадорлигини такомиллаштириш ҳамда зарур тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўғил болаларни (ўсмирлик –11-15 ва ўспиринлик – 16-21 ёш даври) оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни бўлиб, тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим тизимида олиб борилди. Тадқиқотда 210 нафари ўсмирлик ёшидаги, 150 нафари ўспиринлик ёшидаги жами 360 нафар респондентлар иштирок этди.

Тадқиқот предметини ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг психологик мазмунидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, М.Рокичининг «Қадриятлар ориентацияси» тести; С.И.Голоднинг «Никоҳ куриш мотивлари» сўровномаси; Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғиновларнинг «Оилавий ҳаётга маънавий тайёрлик» тести, «Ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини ўрганиш», «Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда маънавий-маърифий омиллар таъсири тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш» номли ижтимоий-психологик сўровномалардан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончилиги математик статистик методлардан фоизли таҳлил, Стъюдентнинг t-мезони, Р.Фишернинг F-мезони, Манн-Уитни U-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициени орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ота-оналарнинг фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ўз бурчларини ҳис этишлари, уларнинг намуна ва ибрат сифатида таъсир кўрсатиши, ижтимоий етуклиги, ўғил фарзандларда эркакларга хос бўлган фазилатлар шаклланиши учун оталарнинг талаб қилинадиган

масъулиятларни адо этишлари, отанинг оила бошлиғи сифатидаги ўрни, мавқие, оилага тайёрлашда ёш даври ва гендер-психологик жиҳатларини ҳисобга олиш, каби ижтимоий-психологик компонентларини ўзаро оптималлаштириш асосида ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими такомиллаштирилган;

ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларда «бахтли оилавий ҳаёт», «фаол ва жушқин ҳаёт», каби терминал қадриятлар ва «тарбияланганлилик», «ҳаётдан завқланиш», «маъсулият», сингари инструментал қадриятларнинг бахтли ва мустаҳкам оилавий ҳаётни таъминлаши аксинча, «кўпчилик томонидан тан олинмиш», «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик», «ҳузур-ҳаловат», «рационализм», «ўзига катта талаблар қўйиш» йўналишидаги терминал ва инструментал қадриятларнинг оила мустаҳкамлигига салбий таъсир этиши изоҳланиб, ижтимоий-психологик мезонлар тузилишини намоён қилувчи коммуникацион, ауторегуляцион, мотивацион фаолияти компонентлари воситасида такомиллаштирилган;

ўғил болаларда оилавий ҳаётга оқилона муносабатда бўлиш, ҳаёт қийинчиликлари ҳақидаги, оилада маънавий-психологик муҳитни ярата олиш тўғрисидаги, оилавий ҳаёт ҳақида соғлом фикр эга бўлиши, оила олдидаги масъулият ва бурч ҳиссини англаб етиш, оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга бўлиш, «оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси бўлиш каби тасаввур ва тушунчаларнинг мавжудлиги, ёшларнинг келажакда мустаҳкам ва фарвон оилавий ҳаёт кечиришларининг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлиши оптималлаштирилган;

ўғил болаларни оилавий ҳаётга нисбатан ижтимоий-психологик соғлом муносабатини таъминлаш ва масъулият ҳиссини оширишга хизмат қилувчи никоҳни миллий қадрият сифатида эъзозлаш, оилавий ўзаро мослик, никоҳ олди омиллари, ёшларнинг оилавий ҳаётга етуклиги, уларнинг оила қуриш мотивлари: оила қуришгунларига қадар бир-бирларини таниш муддати (қанча вақт бир-бирини таниши) шартлари ва шароитлари, никоҳга етуклик даври – оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатлари, оиланинг маънавий муҳитини шакллантира оладиган, ижтимоий-психологик тренинг машғулотлари самарадорлиги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган натижалар ва илгари сурилган илмий хулосалар, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик (ёш даври ва жинс хусусиятлари, оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, оила муҳити, отанинг психологик таъсири) ва этнопсихологик (оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўрни, ментал ва ҳудудий жиҳатлари) хусусиятлари тизимлаштирилган;

тадқиқотдаги ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича олинган илмий хулосалар ва тавсиялардан «Оила психологияси», «Тарбия», «Этнопсихология», «Ижтимоий психология», «Ёш давлари психологияси» каби ўқув фанларини ўқитишда, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим

муассасаларида, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий институтларида фойдаланиш мумкин;

ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича оила қураётган ёшлар учун махсус қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, ушбу курсларнинг ўқув-методик мажмуаси ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усул ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларидан фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли орган ва тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятлари ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдирди ва унда кўрсатилган муаммо ҳамда уни ечиш учун таклиф этилган ёндашув оила психологияси соҳасидаги илмий изланишлар, хусусан, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари бўйича илмий изланишларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишни очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацион тадқиқот доирасида ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари бўйича оила қураётган ёшлар учун махсус қисқа муддатли ўқув курсларнинг ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуаси асосида ўғил болаларни оилага психологик тайёрлашда, улар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик ишлар йўналишини аниқлаштиришда, тўпланган материал ва натижалардан ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила психологияси, ижтимоий психология, шахс психологияси, психологик маслаҳат ўқув фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ота-оналарнинг фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ўз бурчларини ҳис этишлари, уларнинг намуна ва ибрат сифатида таъсир кўрсатиши, ижтимоий етуклиги, ўғил фарзандларда эркакларга хос бўлган фазилатлар шаклланиши учун оталарнинг талаб қилинадиган масъулиятларни адо этишлари, отанинг оила бошлиғи сифатидаги ўрни, мавқие, оилага тайёрлашда ёш даври ва гендер-психологик жиҳатларини ҳисобга олиш, каби ижтимоий-психологик компонентларини ўзаро оптимал-лаштириш асосида ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими такомиллаштирилганлигига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Психология – ўқув-илмий маркази»нинг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси

психологларда ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик омиллари юзасидан муайян тушунча ва маълумотларнинг ошиши таъминланган;

Ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларда «бахтли оилавий ҳаёт», «фаол ва жушқин ҳаёт», каби терминал кадриятлар ва «тарбияланганлилик», «ҳаётдан завқланиш», «масъулият», сингари инструментал кадриятларнинг бахтли ва мустаҳкам оилавий ҳаётни таъминлаши аксинча, «кўпчилик томонидан тан олинмиш», «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик», «ҳузур-ҳаловат», «рационализм», «ўзига катта талаблар қўйиш» йўналишидаги терминал ва инструментал кадриятларнинг оила мустаҳкамлигига салбий таъсир этиши изоҳланиб, ижтимоий-психологик мезонлар тузилишини намоён қилувчи коммуникацион, ауторегуляцион, мотивацион фаолияти компонентлари воситасида такомиллаштирилганлигига оид илмий маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон буйруғи билан «Этнопсихология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Психология–ўқув-илмий маркази»нинг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётчи-психологларнинг оилага психологик хизмат кўрсатишга тайёрлоавчи психолог мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

Ўғил болаларда оилавий ҳаётга оқилона муносабатда бўлиш, ҳаёт қийинчиликлари ҳақидаги, оилада маънавий-психологик муҳитни ярата олиш тўғрисидаги, оилавий ҳаёт ҳақида соғлом фикр эга бўлиши, оила олдидаги масъулият ва бурч ҳиссини англаб етиш, оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга бўлиш, «оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси бўлиш каби тасаввур ва тушунчаларнинг мавжудлиги, ёшларнинг келажакда мустаҳкам ва фарвон оилавий ҳаёт кечиришларининг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлиши оптималлаштирилганлигига доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология ўқув-илмий маркази»нинг 6-сон буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Психология–ўқув-илмий маркази»нинг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси психологларда ёшларни хусусан, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила-мактаб- маҳалла ҳамкорлигининг ижтимоий-психологик имкониятлари ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввурларнинг ортишига эришилган;

Ўғил болаларни оилавий ҳаётга нисбатан ижтимоий-психологик соғлом муносабатини таъминлаш ва масъулият ҳиссини оширишга хизмат қилувчи никоҳни миллий кадрият сифатида эъзозлаш, оилавий ўзаро мослик, никоҳ олди омиллари, ёшларнинг оилавий ҳаётга етуқлиги, уларнинг оила қуриш мотивлари: оила қуришгунларига қадар бир-бирларини таниш муддати (қанча вақт бир-бирини таниши) шартлари ва шароитлари, никоҳга етуқлик даври – оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий,

иктисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатлари, оиланинг маънавий муҳитини шакллантира оладиган, ижтимоий-психологик тренинг машғулотлари самарадорлиги такомиллаштирилганлигига доир амалий тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология ўқув-илмий маркази»нинг 6-сон буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Психология-ўқув-илмий маркази»нинг 2021 йил 14 июлдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи-психолог мутахассисларни оила психологияси йўналишида ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатдан узвийлиги кучайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 7 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг методологик асоси қилиб, хориж ва МДХ ҳамда Ўзбекистонлик оилашунос психологлардан Ф.А.Акрамова, В.М.Каримова, З.А.Расулова, Ғ.Б.Шоумаров, А.Фитрат, Л.Бумпасс, Р.С.Беан, Е.Т.Бургесс, П.Д.Воллин, А.Д.Гребенников, С.И.Голод, Д.Э.Делис, С.Д.Кратохвил, Г.Э.Крайг, М.М.Свэеней, М.Кампбелл, Ж.Квэет, С.Ковалёв Ж.Лофас, Т.С.Мартин, Г.Роланд, М.Одема, Н.Н.Обозев, П.Сорокин, Ю.И.Семенов, Л.Г.Терман, Л.Б.Шнейдер, К.М.Шафер, Т.Parsons, С.Rogers, А.Г.Харчев каби тадқиқотчиларнинг илмий асарлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик омиллари, оила ва оилавий муносабатларга доир қарашлари ҳамда фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, жумладан:

ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини инобатга олиб, психологик ёндашувни ташкил этишда уларга индивидуал муносабатда бўлиш;

Ўғил болаларни педагогик-психологик диагностика қилиш асосида, улар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш. Бунинг учун эса психодиагностика дастурини яратиш;

Ўғил болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик тадбирларда уларнинг ёши, дунёқараши, майли, қобилияти ва қизиқишига мослигини инобатга олиш;

Ўғил болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик, педагогик тадбирнинг ҳаётийлиги, қизиқарлилиги, ўғил болаларнинг ҳаётий позициясига мослиги;

Ўғил болалар билан олиб бориладиган барча ижтимоий-психологик муносабатларда таълим муассасаси ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлашга оид илмий тадқиқотларни диссертация ишида методологик асос сифатида фойдаландик.

Диссертациянинг «Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси ижтимоий-психологик тадқиқот предмети сифатида» деб номланган биринчи бобида узоқ ва яқин хорижлик ҳамда мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари таҳлил қилинган. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси бўйича Республикамиз олимлари ҳамда хориж ва МДХ давлатлари тадқиқотчилари Ф.А.Акрамова, Ҳ.Абдусаматов, Р.Душанов, В.М.Каримова, Х.К.Каримов, Н.Х.Лутфуллаева, М.Э.Моршинина, Г.Ниязметова, Ф.Рўзикулов, З.А.Расулова, У.С.Сарибаева, Н.А.Соғинов, Р.С.Самаров, Ғ.Б.Шоумаров, Б.М.Умаров, М.Утепбергенов, М.Файзиева, Г.Т.Ядгарова, А.Н.Антонов, Т.В.Андреева, С.И.Голод, Н.Н.Обозев, А.Г.Харчев, Л.Бумпасс, Е.Т.Бургесс, Р.С.Беан, Д.Э.Делис Ж.Лофас, Ж.Квэет, С.Д.Кратохвил, М.Кампбелл, Г.Э.Крайг, С.Мартин, М.М.Свэеней, Э.Г.Тийд, Л.Б.Шнейдер, К.М.ШаферТ. Т.Parsons, С.Rogersлар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини хусусан, йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг психологик масалалари, оилага психологик тайёрлик жиҳатлари, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ёш ва гендер хусусиятлари ва шу кабиларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтадилар.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одобахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Ёшларни ҳаётга тайёрлашда ўз қарашлари билан ном қолдирган Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Али ибн Сино ўзининг «Донишнома», «Тадбир ул-манозил», «Тиб қонунлари» каби асарларида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид фикрлар мавжуд.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда никоҳга ҳар жиҳатдан етуклик даражаси эътироф этилади. Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари, уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари, уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари қабиларни киритиш мумкин. Албатта бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик қаби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Ўзбекистонда психология илмининг йирик вакилларида бири Ғ.Б.Шоумаров ўсмир-ёшларни оилага тайёрлашнинг психологик, жинсий, ахлоқий жиҳатлари, оиладаги ахлоқий-психологик муҳит, қайнона-келин, қайнона-куёв ўртасидаги келишмовчиликлар ва уларнинг олдини олиш қаби муҳим муаммоларни тадқиқ этади.

В.М.Каримова эса ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг турли гуруҳ вакилларида намоён бўлишини эмпирик жиҳатдан ўрганади. Эмпирик тадқиқот жараёнида оилавий-ижтимоий тасаввурларнинг турли ёш ва жинс вакилларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши ҳамда уларнинг шахс ва гуруҳларнинг ҳаёт тарзи, маълумот даражаси, касб-кори ва ҳаётий тажрибасига боғлиқлиги асосланади

Диссертациянинг «Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосининг эмпирик тадқиқ этилиши» деб номланган иккинчи бобида йигитларда оилавий ҳаёт тўғрисидаги қадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ўрни, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик масалалари, оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалари ҳамда оилага нисбатан қадриятли йўналганлиги никоҳ-оила муносабатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, оила қадриятларига ўсмирлик ёшидаги болаларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида Рокич томонидан тақлиф этилган «Қадриятлар йўналганлигини ўлчаш» методининг ўзбек тилига ўгирилган вариантдан фойдаландик.

Тадқиқотда жами 360 нафар синалувчи катнашган бўлиб, шундан, 210 нафари ўсмирлик ёшидаги, 150 нафари ўспиринлик ёшидаги респондентлар жалб этилган.

Ўсмирлик ёшидаги йигитларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, «фаол қизғин ҳаёт» (19,5), «бахтли оилавий ҳаёт» (18,1),

«муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)» (15,7) кадриятлари юқори кўрсаткичларни ифодалайди. Бу шундан далолат берадики, ўсмирлик ёшидаги респондентлар ўз келажак оилавий ҳаётларидан фаол ва қизгин, бахтли оилавий ҳаёт ва севги муҳаббат асосидаги ҳаётни орзу қиладилар. Аммо, уларда «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» (5,2), «кўпчилик томонидан тан олинмиш» (9,5), «соғлик (жисмонан ва руҳий)» (11,4) кадриятлари бўйича паст натижаларнинг намоён бўлиши келгуси оилавий ҳаётлари ҳақида ишончсизлик ва иккиланишлар мавжудлигига ишора қилади. Чунки, фаол ва қизгин, бахтли оилавий ҳаётни таъминлаш учун йигитларда фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик, бахтли оилавий ҳаётнинг кўпчилик томонидан тан олинмиши, эътироф этилиши кадриятига нисбатан етарлича тушунча ва тасаввурлар талаб этилади.

Ўспиринлик ёшидаги йигитларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари бўйича эса, «бахтли оилавий ҳаёт» (18,7), «кўпчилик томонидан тан олинмиш (хурмат қозониш)» (16,7), «фаол қизгин ҳаёт» (14,8), «муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)» (13,8) кадриятлари юқори кўрсаткичларни намоён қилган. Мазкур ёш давридаги респондентларда кадриятларнинг бундай баҳоланиши ёш ўлғайиб бориши билан оилавий ҳаётга нисбатан қарашлар, тушунчалар кенгайиб бориши ҳолати билан изоҳланиши мумкин. Респондентларда «ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айшишрат)» (5,2), «ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик» (7,4) кадриятлари паст даражада ифодаланган (1-жадвал).


1-жадвал

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)

| № | Терминал кадриятлар | Ўсмирлик ёшидаги йигитлар (N= 210) | | Ўспиринлик ёшидаги йигитлар (N= 150) | |
|----|---|------------------------------------|-------|--------------------------------------|-------|
| | | Абс. | коэф. | Абс. | коэф. |
| 1. | Фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик | 11 | 5,2 | 19,5 | 12,7 |
| 2. | Соғлик (жисмонан ва руҳий) | 24 | 11,4 | 17 | 11,4 |
| 3. | Ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айшишрат) | 15 | 7,1 | 8 | 5,2 |
| 4. | Муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) | 33 | 15,7 | 20 | 13,3 |
| 5. | Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик | 28 | 13,3 | 11 | 7,4 |
| 6. | Кўпчилик томонидан тан олинмиш (хурмат қозониш) | 20 | 9,5 | 25 | 18,7 |
| 7. | Фаол қизгин ҳаёт | 41 | 19,5 | 22 | 14,8 |
| 8. | Бахтли оилавий ҳаёт | 38 | 18,1 | 28 | 16,7 |

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёши давридаги респондентларда терминал кадриятлар ифодаланишининг қиёсий таҳлилига кўра, ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларда «фаол қизғин ҳаёт» (19,5), «бахтли оилавий ҳаёт» (18,1) кадриятлари юқори баҳоланган бўлса, ўспиринлик ёши даврида эса «кўпчилик томонидан тан олинмиш (ҳурмат қозониш)» (16,7), «бахтли оилавий ҳаёт» (16,7) кадриятлари юқори даражаларни кўрсатган. Ушбу ҳолатни психологик таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, ўсмирлик ёшидаги «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» (5,2), «кўпчилик томонидан тан олинмиш» (9,5) кадриятлари ўспиринлик ёши даврида фарқланишларни намоён этмоқда. Хусусан, ўспиринларда «кўпчилик томонидан тан олинмиш (ҳурмат қозониш)» (16,7), «бахтли оилавий ҳаёт» (16,7), «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» (12,7) кадриятларининг бир мунча юқори баҳоланганлигини кузатишимиз мукин. Ушбулардан шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий ҳаёт тўғрисидаги кадриятларнинг ифодаланиши инсоннинг ёши, ҳаётий тажрибаси ортиб бориши билан такомиллашиб борар экан. Аммо, ёш ёки турмуш тажрибасининг ортиб бориши айримларда оилавий кадриятларга нисбатан муносабат ўзгармасдан қолиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим бўлади.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари 1-расмда диаграмма кўринишида тасвирланган.



1-расм. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал кадриятларни баҳолаш натижалари

Респондентларда оилавий ҳаёт фақат ҳузур-ҳаловат, вақтичоғлик, айш-ишратдан иборат эмаслиги, оила қургандан кейин ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик пасайиши тўғрисидаги қарашлар мавжудлигидан далолат беради.

Терминал кадриятлар баҳоланишининг корреляция таҳлилига кўра, ўсмирлик ёшидаги йигитларнинг кадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффицентлар қуйидаги муносабатни акс эттирди.

Ўсмирларда «фаол қизғин ҳаёт» қадриятининг «муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)» ($r=0,420$, $p\leq 0,01$), «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» ($r=0,306$, $p\leq 0,01$) ва «Соғлик (жисмонан ва руҳий)» ($r=0,499$, $p\leq 0,01$) ҳолат қадриятининг уйғунлиги кузатилмоқда. Бирок айрим ўринларда ўсмирларда оилавий ҳаёт ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)дан иборат деган қадриятлар ифодаланади ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$). Шунга кўра, оилавий қадриятларни шакллантиришда ушбу ҳолатларни инобатга олиш муҳим (2-жадвал).

2-жадвал

Ўсмирлик ёшидаги йигитларда терминал қадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

| № | Терминал қадриятлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
|----|--|---|-------|---------|---------|---------|----------|----------|----------|
| 1. | Фаол қизғин ҳаёт | 1 | 0,148 | 0,420** | 0,306** | 0,499** | 0,487** | 0,485** | -0,217** |
| 2. | Бахтли оилавий ҳаёт | | 1 | -0,185 | 0,285 | 0,327** | -0,296** | 0,446** | 0,487** |
| 3. | Муҳаббат(севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) | | | 1 | 0,408** | 0,430** | 0,488** | 0,464** | 0,486** |
| 4. | Фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик | | | | 1 | 0,344** | 0,330** | 0,869** | 0,839** |
| 5. | Соғлик (жисмонан ва руҳий) | | | | | 1 | 0,813** | 0,721** | 0,754** |
| 6. | Ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат) | | | | | | 1 | -0,235** | -0,408** |
| 7. | Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик) | | | | | | | 1 | -0,273** |
| 8. | Кўпчилик томонидан тан олиниш (хурмат қозониш) | | | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

«Бахтли оилавий ҳаёт»ни таъминлашдаги қадриятлар ўрнининг ўзига хослиги эса «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$) ва «ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)» ($r=-0,296$, $p\leq 0,01$)ни ифодалаш борасида номувофиқликка сабаб бўлиши мумкин экан. «Бахтли оилавий ҳаёт»ни таъминлашда «Муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний

яқинлик)» ($r=-0,185, p\leq 0,01$) ва «ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)» ($r=-0,296, p\leq 0,01$)дан ибрат деб тушуниш ҳолати оилавий муносабатларда бузилишларга сабаб бўлиб қолар экан. (2-жадвал).

Ўспиринлик ёши давридаги йигитларда «Бахтли оилавий ҳаёт»ни таъминлашдаги қадриятлар ўрнининг ўзига хослиги эса «фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик» ($r=-0,285, p\leq 0,01$) ва «ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)» ($r=-0,296, p\leq 0,01$), кўпчилик томонидан тан олиниш (ҳурмат қозониш) ($r=-0,268, p\leq 0,01$)ни ифодалаши борасида номувофиқликка сабаб бўлиши мумкин экан.

Тадқиқотимизда йигитларда инструментал қадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик даражасини белгилашдаги ўрнини ўрганишга ҳам ҳаракат қилдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўспиринлик ёшидаги йигитларда терминал қадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

| № | Терминал қадриятлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
|----|---|---|-------|---------|---------|---------|----------|----------|----------|
| 1. | Фаол қизғин ҳаёт | 1 | 0,233 | 0,310** | 0,305* | 0,476** | 0,426** | 0,449** | -0,214** |
| 2. | Бахтли оилавий ҳаёт | | 1 | 0,391 | 0,285 | 0,331** | -0,296** | 0,432** | -0,268** |
| 3. | Муҳаббат (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) | | | 1 | 0,418** | 0,421** | 0,476** | 0,454** | 0,466** |
| 4. | Фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик | | | | 1 | 0,321** | 0,325** | 0,869** | 0,839** |
| 5. | Соғлик (жисмонан ва руҳий) | | | | | 1 | 0,783** | 0,731** | 0,768** |
| 6. | Ҳузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат) | | | | | | 1 | -0,225** | -0,411** |
| 7. | Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик) | | | | | | | 1 | -0,261** |
| 8. | Кўпчилик томони-дан тан олиниш (ҳурмат қозониш) | | | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

Инструментал қадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, «тарбияланганлилик (хушхулқлик, одоблилик)» (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда –

17,1 ва 9,3), «ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси)» (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 16,2 ва 8,7), «маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш)» (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 14,32 ва 12,0), «маълумотлилик (кенг билимлиликда юксак маданий даража)» (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 13,8 ва 13,3) каби қадриятлар юқори рейтингларда қайд этилган. Лекин уларнинг гуруҳ доирасидаги қайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги ўсмир ва ўспиринларнинг фикрлари уйғунлигидан ва яқинлигидан дарак беради. Масалан, «маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш)» қадриятига эътибор берадиган бўлсак, ўсмирлар 1-ўринга (14,3), ўспиринларнинг аксарияти бу қадриятни 3-чи (12,0) ўринга қўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса, ўсмирлар учун бу қадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу қадриятга муносабат билдиришда уларнинг фикрида яқдиллик унчалик кўринмайди. Жумладан, «тарбияланган-лилик (хушхулқлик, одоблилик)» қадрияти ўсмирларда - 17,1 га, ўспиринларда эса 9,3 фоизга, «ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси)» ўсмирларда – 16,2 фоиз ва ўспиринларда - 8,7 фоизга га тенг бўлган (4-жадвал).

4-жадвал


Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг инструментал қадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)

| № | Инструментал қадриятлар | Ўсмирлик ёшидаги йигитлар N= 210) | | Ўспиринлик ёшидаги йигитлар (N= 150) | |
|----|--|-----------------------------------|-------|--------------------------------------|-------|
| | | Абс. | коэф. | Абс. | коэф. |
| 1. | Ўзига катта талаблар қўйиш | 18 | 8,6 | 18 | 12,0 |
| 2. | Эътиборлилик (ғамхўрлик) | 21 | 10,0 | 15 | 10,0 |
| 3. | Тарбияланганлилик (хушхулқлик, одоблилик) | 36 | 17,1 | 14 | 9,3 |
| 4. | Масалага ҳар томонлама қарай олиш (бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш) | 17 | 8,1 | 23 | 15,3 |
| 5. | Маълумотлилик (кенг билимлиликда юксак маданий даража) | 29 | 13,8 | 20 | 13,3 |
| 6. | Рационализм (оқил ва мантиқий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш) | 25 | 11,9 | 29 | 19,3 |
| 7. | Маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) | 30 | 14,3 | 18 | 12,0 |
| 8. | Ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси) | 34 | 16,2 | 13 | 8,7 |

Бундай ҳолатни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ўсмирлик ёшидаги йигитларда ўзлари тарбияланиш жараёнида бўлганликлари туфайли бу қадриятни юқорироқ баҳолаган деган хулосани беради.

Ўспиринларда бу қадриятнинг нисбатан пастроқ белгиланиши уларнинг олдида оилавий ҳаётга тайёрланишда тарбиядан кўра, муҳимроқ яъни, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш вазифаси, оила олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, илмли, маданиятли турмуш ўртоқ танлаш, касбий фаолият сирларини пухта эгаллаш, жамиятда ўз ўринларини эгаллашга нисбатан интилиш каби қадриятлар турганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг инструментал қадриятларни баҳолаш натижалари 2-расмда диаграмма кўринишида тасвирланган.



2-расм Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг инструментал қадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)

Инструментал қадриятлар баҳоланишининг корреляция таҳлиliga кўра, ўспиринлик ёшидаги йигитларда «тарбияланганлилик (хушхулқлик, одоблилик)» қадриятининг «ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси)» ($r=0,317, p\leq 0,01$), «маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш)» ($r=0,406, p\leq 0,05$) ва «маълумотлилик (кенг билимлиликда юксак маданий даража)» ($r=0,512, p\leq 0,05$) қадриятлари юқори кўрсаткичларни намоён қилди.

Шу билан бир қа-торда айрим ҳолатларда ўспиринларда оилавий муносабатларда «ўзига катта талаблар қўйиш» ($r=-0,093, p\leq 0,01$), «масалага ҳар томонлама қарай олиш (бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни ҳурмат қилиш)» қадриятлари ($r=-0,143, p\leq 0,01$), «маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш)» қадриятининг «рационализм (оқил ва мантиқий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш)» ($r=-0,143, p\leq 0,01$) таъкиди манфий муносабатларни ифодалайди.

Тадқиқотимизда йигитларда инструментал кадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик даражасини ифодалашдаги ўрнини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Инструментал кадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, «тарбияланганлилик» (хушхулқлик, одоблилик) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 17,1 ва 9,3), «ҳаётдан завқланиш» (юмор ҳисси) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 16,2 ва 8,7), «маъсулият» (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 14,2 ва 12,0), «маълумотлилик» (кенг билимлиликда юксак маданий даража) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 13,8 ва 13,3) каби кадриятлар юқори рейтингларда қайд этилган. Лекин уларнинг гуруҳ доирасидаги қайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги ўсмир ва ўспиринларнинг фикрлари уйғунлигидан ва яқинлигидан дарак беради. Масалан, «масъулият» (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) кадриятига эътибор берадиган бўлсак, ўсмирлар 1-ўринга (14,3), ўспиринларнинг аксарияти бу кадриятни 3-чи (12,0) ўринга қўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса, ўсмирлар учун бу кадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу кадриятга муносабат билдиришда уларнинг фикрида яқдиллик унчалик кўринмайди. (5-жадвал).

5-жадвал

Ўсмирлик ёшидаги йигитларда инструментал кадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

| № | Инструментал кадриятлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
|----|---|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Тарбияланганлилик (хушхулқлик, одоблилик) | 1 | 0,317** | 0,406** | 0,512** | 0,645** | -0,093 | 0,689** | 0,617** |
| 2. | Ҳаётдан завқланиш (юмор ҳисси) | | 1 | 0,316** | 0,394** | 0,388** | -0,143 | 0,346** | 0,387** |
| 3. | Маъсулият (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) | | | 1 | 0,319** | -0,132 | 0,211** | 0,464** | 0,742** |
| 4. | Маълумотлилик (кенг билимлиликда юксак маданий даража) | | | | 1 | 0,720** | 0,279** | 0,869** | 0,919** |
| 5. | Рационализм (оқил ва мантиқий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш) | | | | | 1 | -0,011 | 0,722** | 0,754** |
| 6. | Ўзига катта талаблар қўйиш | | | | | | 1 | 0,735** | 0,808** |
| 7. | Масалага ҳар томонлама қарай олиш | | | | | | | 1 | 0,888** |
| 8. | Эътиборлилик (ғамхурлик) | | | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Қайд этиш мумкинки, оила ва оилавий муносабатларга ҳар томонлама қараш орқали ёндашиш талаб этишлигини унутмаслик лозим.

Жумладан, «тарбияланганлилик» (хушхулқлик, одоблилик) қадрияти ўсмирларда - 17,1 га, ўспиринларда эса 9,3га, «ҳаётдан завқланиш» (юмор ҳисси) ўсмирларда – 16,2 ва ўспиринларда - 8,7 га тенг бўлган (4-жадвал). Бундай ҳолатни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ўсмирлик ёшидаги йигитларда ўзлари тарбияланиш жараёнида бўлганликлари туфайли бу қадриятни юқорироқ баҳолаган деган хулосани беради. Ўспиринларда бу қадриятнинг нисбатан пастроқ белгиланиши уларнинг олдида оилавий ҳаётга тайёрланишда тарбиядан кўра муҳимроқ, яъни оилани моддий жиҳатдан таъминлаш вазифаси, оила олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, илмли, маданиятли турмуш ўртоқ танлаш, касбий фаолият сирларини пухта эгаллаш, жамиятда ўз ўринларини эгаллашга нисбатан интилиш каби қадриятлар турганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қолаверса, ўспиринлик ёши давридаги йигитлар оила қуриш остонасида турганлиги сабаб, оилавий муносабатларга жиддийроқ қарашни намоён этмоқда. Ўсмирларда эса, билим олиш, кучли ирода, қувноқлик каби сифатлар бу тоифа ўғил болаларда эмпатия, мустақиллик, ўзигагина кўпроқ ишониб яшаш психологиясини шакллантиришга туртки бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради. Мазмунан ўспиринларнинг установакаларида бироз фарқ борлиги рақамлардан кўриниб турибди. Ўсмирларда эса, нисбатан фикрлар яқдиллиги кўринмайди. Чунки ота-онаси қаромоғида бўлиш улар учун бахтли оила қуриш учун ижобий установакани шакллантиради, лекин улар иккинчи гуруҳдан фарқли «севги, муҳаббат»га эга бўлиш, «ҳақиқий дўстга эга бўлиш», «жўшқин ҳаёт» кечириш каби қадриятларни ҳам қадрлайди.

Ўспиринлар учун эса юқорида таъкидланганлардан ташқари «ҳаётдан завқланиш» (юмор ҳисси), «маъсулият» (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) каби қадриятларга муносабат ҳам ижобий кўринишда намоён бўлди. Демак, мустақил ҳаёт остонасида туришлик уларнинг кўпроқ иродавий сифатларнинг ўсишига, ўз кучига ишониб яшаш керак эканлиги фикрига олиб келиши маълумотлардан кўриниб турибди. Энг муҳими – ўспиринларда ҳам, ўсмирларда ҳам маънавий камолотга интилиш каби муҳим қадриятларга муносабат мавжудлиги ҳақиқат бўлиб, рақамларда ифодаланган.


Иккала ёшдаги ўғил болалари учун умумий нарса – улар кексалик ҳақида кам ўйлайди, табиат гўзаллиги ва санъатга ишқибозлик ҳам кам намоён бўлган, биз учун хавотирли жиҳат – бу уларнинг ижодни қадрламасликлари. Албатта, бу ҳолат уларнинг, аввало, ёш хусусиятлари билан боғлиқ, деб ўйлаймиз ва айнан ҳозир улар учун долзарб бўлган қадриятлардан кейинги охириги ўринларда билдирилган муносабат, ҳали бу сифатларга интилиш уларда келажакда бўлмайди, деган фикрга олиб келмаслиги керак.

Энди айни шу тоифа ўғил болаларнинг бевосита инструментал қадриятларга алоқадор таянч сифатлар - қадриятларга нисбатан билдирган муносабатларининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Бу сифатлар блокада ҳам ўсмирлик ёшидаги ўғил болалар, қолаверса, иккала ёшдаги ўғил болалар фикрлашларида муайян умумийлик ва тафовутлар борлигини кўришимиз

мумкин. Масалан, ўсмирларнинг қадриятлар рейтингидан юқори ўрин олган сифат – бу «эътиборлилик» (ғамхурлик) бўлиб чиқди. Бу сифат ўспиринлар жавобларида ҳам юқори рейтингларда кўп қайд этилган. Бу сифат ўспиринлар учун айнан шундай аҳамиятли эканлиги оддий тасодиф бўлмаса керак. Бу – мустақил ҳаёт оstonасида турганлик, унинг ҳаётдаги сабр-бардошига нисбатан муносабати бўлиши ҳам мумкин.

Демак, ёшларнинг қадриятларга нисбатан муносабати, уларни реал ҳаётда оила муҳити ва бошқа ижтимоий муҳит омиллари таъсирида идрок қилиши натижаларини ўрганиш носоғлом муҳитли оилада тарбияланаётган болаларнинг психологиясидаги муайян фарқ ва тафовутлар борлигини исбот қилмоқда. Лекин иккала шароитда ҳам ўсмирлар ўзлари учун ижобий установкаларга эга эканлиги ҳам маълум. Уларнинг жамиятдаги ижтимоий хулқи қандай бўлишидан қатъий назар, айнан шу даврда уларда соғлом тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш учун оила ва жамият реал муҳит эканлиги психология ва педагогикада маълум.

Тадқиқотимизда йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган 30 та саволномадан иборат «Йигитларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини ўрганиш» бўйича ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) сўровнома ўтказилди. Ўтказилган сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, респондентлар «Сиз оилавий ҳаётга тайёрланишга оид билимларни кимдан олгансиз?» деб берилган саволга Самарқанд вилояти бўйича респондентларнинг 78,0 % «Оилада: отам, онам, акам, амаким, бобом, тоғамдан»дан, 10,8 фоизи «Таълим масканида: ўқитувчим, синф раҳбарим, психолог, қўшимча тўғарақдан, синфдошим, тенгдошимдан», 2,4 % «Маҳаллада: қўшним, дўстим, ибратли оиладан, маҳалла етакчисидан», 8,6 % «Юқоридагиларнинг барчасидан олганман» жавобларини беришган (3-расм).



3-расм. “Сиз оилавий ҳаётга тайёрланишга оид билимларни кимдан олгансиз?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи.

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлиliga кўра, йигитлар оилавий ҳаётга тайёрланишга оид билимларни асосан (78,2%) оиладан: ота, она, ака, амаки, бобо, тоғалардан олишаётганлиги маълум бўлади. Шунингдек, 10,8 фоиз йигитлар бундай маълумотларни таълим масканидан: ўқитувчи, синф раҳбари, психолог, қўшимча тўғараклар, синфдошлари, тенгдошларидан олишаётганлигини қайд этишган. Ушбулардан кўринадики, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила ва оила аъзоларининг ўрни катта аҳамият касб этади.


«Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр, деб ҳисоблайсизми?» саволига йигитларининг 65,2 фоизи «Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман», 11,0 фоизи «Бир оз тайёрман деб ҳисоблайман», 3,3 фоизи «Тайёр эмасман, деб ҳисоблайман», 16,1 % синалувчилар эса «Бу борада билимларим кам, деб ҳисоблайман» деган жавобни беришган бўлса, 5,0 фоизи «Жавоб йўқ» жавобини қайд этишган (4-расм).



4-расм. “Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр деб ҳисоблайсизми?” саволига берилган жавоблар кўрсаткичи.

